



## СУРХОН ВОХАСИ АҲОЛИСИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**М.М. Набиев**

магистрант,

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Электрон почта манзили: [mg9698@mail.ru](mailto:mg9698@mail.ru)

**Калит сўзлар:** Моддий маданият, турар жойлар, хонақоҳ, синч, пахса, бўриқалла “хўржин том”, “боми том”, “обдовли том” ошхона, даҳлиз, кўтон, молхона, сайисхона, сандал.

**Аннотация:** Мақолада Сурхон воҳаси аҳолиси моддий маданиятининг ажралас бўлагига бўлган турар жойлари ва хўжалик бинолари қурилиши жуда қадим тарихга эга эканлиги, воҳа аҳолиси диний қарашлари ва санъатини ҳам ўзида намоеън этиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, географик жойлашувнинг, табиий шароит, иқлим ва мавжуд хомашёнинг турар жойлар ва хўжалик бинолари қурилишига таъсири ҳақида маълумотлар берилган. Унга кўра Сурхон воҳасининг тоғлик ва тоғ олди ҳудудларида турар жойлар қурилишида ёғоч ва тош каби қурилиш хомашёси устунлик қилиб, бундай ҳудудларда асосан синч девор ва тош деворли уй ҳамда хўжалик бинолари бунёд этилган. Нисбатан текислик ҳудудларда эса, уйлар асосан лойдан томи пахса, хом гишт, гувала, шапати каби деворлардан фойдаланилган.

## CHARACTERISTICS OF THE BUILDINGS OF SURKHAN OASIS RESIDENCES

**М.М. Nabiyev**

master student,

Tashkent State University of Oriental Studies

Email address: [mg9698@mail.ru](mailto:mg9698@mail.ru)

**Key words:** Material culture, dwelling, khanaka, sinch, paksa, borikalla, bag roof, bomi roof, obdovli roof, kitchen, corridor, coton, barn, saishana, sandals.

**Abstract:** This article discusses the ancient history of the construction of residential and outbuildings, which are an integral part of the material culture of the Surkhandarya oasis, and its influence on the construction of outbuildings. According to him, in the mountainous and foothill regions of the Surkhandarya oasis, building materials such as wood and stone predominate in the construction of houses, and in such areas mainly wall and stone houses and outbuildings were built. On relatively flat areas, houses were mainly built of adobe roofs, mud bricks, guval and shapati.

## ХАРАКТЕРИСТИКИ ЗДАНИЙ РЕЗИДЕНЦИЙ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА

**М.М. Набиев**

магистрант,

Ташкентского государственного университета востоковедения

Адрес электронной почты: [mg9698@mail.ru](mailto:mg9698@mail.ru)

<p><b>Ключевые слова:</b> Материальная культура, жилище, ханака, синч, пакса, борикалла, “мешковая крыша”, “боми крыша”, “обдовли крыша”, коридор, котон, амбар, сайсхана, сандалии.</p>	<p><b>Аннотация:</b> В данной статье рассматривается древняя история строительства жилых и хозяйственных построек, являющихся неотъемлемой частью материальной культуры Сурхандарьинского оазиса, и ее влияние на строительство хозяйственных построек. По его словам, в горных и предгорных районах Сурхандарьинского оазиса при строительстве домов преобладают такие строительные материалы, как дерево и камень, и в таких районах строились преимущественно стеновые и каменные дома и хозяйственные постройки. На относительно ровных участках дома в основном строились из глинобитных крыш, сырцового кирпича, гувалы и шапати.</p>
--	---

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишда моддий маданиятнинг шаклланиши, тараққий этиши, ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, моддий маданият манбалари асосида ўтмиш аждодларимизнинг турмуш тарзи, иқтисодий ва маданий тараққиётдаги ўрни, жаҳон цивилизацияси тарихига қўшган муносиб ҳиссасини билиб оламиз. Ўзбекистон ҳудудида уй-жойлар қурилиши қадимий тарихга эга бўлиб<sup>1</sup>, Сурхон воҳасида қадимги тураржойлар табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда барпо қилинган. Шунингдек, ҳар бир қурилган бино қурилишида ундан фойдаланиш манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинган.

Шарқ мутафаккири Абу Насир Фаробий уй-жой қурилиши кўпдан-кўп геометрик услубларга бўлишини, улар ичида “қуриладиган меъморий обида тарҳини тузиш санъати” мавжудлигини таъкидлаган<sup>2</sup>.

Шунингдек, Абу Али ибн Сино тураржой меъморчилигида қурилажак уйнинг жойини, унинг шамол йўлига нисбатини, қуриладиган уй-жой ёнидан ўтадиган сувнинг таркибини, яқин атрофда турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатувчи манбаларнинг бор-йўқлигини назарга олиш зарурлигини уқтириб ўтади. Ўрта Осиёда ҳар бир шаҳар, тураржой меъморчилиги жойининг табиий шароити, об-ҳавоси, халқнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаёти таъсири асосида ривож топган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий уй-жойлари, маданий-маиший иншоотларининг қурилиш тарҳи, дизайни, меъморчилик композицияларида сўнгги ўрта асрлар даврида бунёд этилган маданий-маиший иншоотларнинг қурилиш анъаналари изларини кузатишимиз мумкин. Д. Нозиловнинг фикрича, ўрта асрларда бу ерда ўзига хос Тоҳаристон (Бақтрия) меъморчилик мактаби шакллانган<sup>3</sup>. Хусусан, бунга Сурхон воҳасидаги Денов марказида XVI асрда икки қават қилиб қурилган Сайид Оталиқ мадрасаси ва Катта Вахшивор қишлоғида 1713 йилда авлиё, шоир Сўфи Оллоёр

<sup>1</sup> Асқаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. –Ташкент: Фан, 1983; Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент, 2001; Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Тошкент, 2004

<sup>2</sup> Нозилов А.Д. Чиғаноқ ичида марварид // Совет Ўзбекистони санъати. –Тошкент, 1981. –№ 9. –Б. 24.

<sup>3</sup> Нозилов А.Д. Мастера школ горного зодчества Средней Азии. –Ташкент, 2001. –С. 144

томонидан курдирилган масжидни мисол келтиришимиз мумкин. Масжид хонақоҳ, икки томони айвон ва қўшма хоналардан ташкил топган. Хонақоҳ ва айвон томи тўсин билан ёпилган бўлиб, синчли пахсадан қурилган. Шимоли-шарқий томони ҳашаматли бўлиб, меҳробсимон равоқлар ишланган. Хонақоҳдаги меҳроб равоқи анча чуқур бўлиб, унинг икки томонидаги тўрт равоққа бўртма чизиклар тортилган. Бундай безаклар жануби-ғарбий айвон деворида ҳам мавжуд. Айвондаги еттинчи ва хонақоҳдаги олтинчи устун ўйма ва рангли нақшлар билан безатилган<sup>4</sup>. Бундай иншоотлардаги қурилиш услублари Денов, Юрчи каби беклик марказларида ҳамда Вахшивор, Сина, Сангардак каби ўтроқ аҳоли яшайдиган қишлоқлардаги уй-жойлар қурилишида акс этганлигини кўришимиз мумкин. Аҳолининг доимий тураржой, уй томи пахса, хом ғишт, гувала яъни “бўриқалла”, шапати<sup>5</sup>, тоғли худудларда синч девор, тош девордан иборат бўлган<sup>6</sup>. Дастлаб бир хонали, икки хонали XX аср бошларига келиб “хўржин том”<sup>7</sup>, “боми том”, “обдовли том” ва болохонали уйлар вужудга кела бошлаган.

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида яшаган аҳолининг уйлари икки хил кўринишда бўлиб, ўтроқлашган ва ярим ўтроқ ҳаётига мослашганлиги илмий адабиётларда ҳам ўз аксини топган<sup>8</sup>.

Тоғли худудларда доимий тураржойлар асосан сой бўйларида, анҳор ёқаларида бунёд этилган бўлиб, уйлари қуришда худуднинг табиий географик хусусиятлари эътиборга олинган. Хусусан, уй-жойлар қуриладиган худудга қуёш ёруғлиги тушиш ҳолати, дарадан ўтадиган совуқ шамол йўлидан сақлаш, ёмғир ва селнинг сойга тез оқиб тушиши, уйлари сувга ва деҳқончилик қиладиган худудларга яқинроқ жойларда қуриш, қолаверса табиий офатлардан сақланиш каби масалаларга эътибор қаратилган. Ўрганилаётган худуд аҳолисининг уй-жойлари мавсумий, вақтинчалик ва доимий турар жойлардан иборат бўлган<sup>9</sup>.

Суғорма деҳқончилик билан шуғулланган қишлоқлар аҳолисининг аксарияти эрта баҳордан қишлоқлардаги доимий уйларида чорбоғларига, мавсумий уйларида кўчиб чиққанлар. Оила аъзолари кўпчилики ташкил этган хонадонлар эса қишлоқда қолишган. Айрим ҳолларда қишлоқда фақат ёш оилаларгина қолдирилган. Бу қишлоқларнинг кўпчилиги “юқори” ва “пастки”, “ички” ва “ташқи”, “эски” ва “янги” деб аталган. Масалан, юқори Мачай, ўрта Мачай, қуйи Мачай, ички Панжоб, ташқи Панжоб, Янгиариқ, Эскиариқ қишлоқлари каби. Бу қишлоқларнинг номлари бир хил бўлса-да, қишлоқларнинг юқори ёки қуйида жойлашиши, ерларининг эски ёки янги ўзлаштирилганига қараб шундай номланган. Бундан ташқари, қишлоқларни бир-биридан ажратиш учун табиий паст-баландликлар, жилғалар, жарликлар, шунингдек, йўллар ўзига хос чегара вазифасини ўтаган<sup>10</sup>.

<sup>4</sup> Қурбонов А.Э. Шимолий сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми) номзодлик диссертацияси, –Т; 2009 –Б. 53. Яна қаранг: Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т; 2001; Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи... –С. 68-69; Ханжар М. Сўфи Оллоёр Вахшиворда. – Термиз, 1995. –Б. 17-18; Ўша муаллиф. Сени изляяпман. –Термиз, 1994. –Б. 71; Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. –Тошкент, 1997. –Б. 95.

<sup>5</sup> Қурбонов А.Э. Шимолий сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми) номзодлик диссертацияси, –Т; 2009 –Б. 54.

<sup>6</sup> Ўша жойда. –Б. 55.

<sup>7</sup> «Хўржин том» – уч хонали бўлиб, даҳлиз, хона ва ошхонадан иборат

<sup>8</sup> Воронина В.Л. Архитектура узбекского жилища. –М., 1949 // СЭ. -№2. - С.68; Ибрагимов О. Мавсумий ва вақтинчалик тураржойларнинг ривожланиш тарихига доир (XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари) // Археология ва этнография масалалари Самарқанд. 1984. – Б.39.

<sup>9</sup> Турсунов Н.Н. Жанубий сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири - XX аср бошлари), номзодлик диссертацияси –Т; 2007. –Б. 78.

<sup>10</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1 / Территория и население Бухары и Хорезма. Ч.1. Бухара. –Т; 1926. -С.148.

Бойсун ҳамда Шеробод воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида ўзбек халқи таркибидаги турк, кўнғирот, қатагон, хўжа каби этник гуруҳлар ва тожиклар ўз хўжалик-маданий муҳитида узоқ давр мобайнида биргаликда яшаб келганлар. Шу сабабли ҳам уларнинг тили, урф-одатлари, тўй ва мотам маросимлари, шунингдек, кийим-кечаклари, хўжалик хусусиятлари, хал оғзаки ижоди ва ҳатто, анъанавий меъморчилиги, яъни уй-жой қурилишида ҳам муштараклик юзага келганлигини кузатиш мумкин<sup>11</sup>.

Воҳадаги ўзбеклар ва тожикларда уй-жой қуришда ўзига хос урфодатлар бўлган. Масалан, уй қурилишини бошлашдан олдин кун ўнгланиб, ҳафтанинг хайирли ва хосиятли кунлари аниқланиб<sup>12</sup>, шундан сўнг қўй сўйилиб, кўни-кўшнилари чақирилган. Меҳмондорчиликдан сўнг уй деворига тошни биринчи бўлиб бадавлат, ёши улуг кекса киши қўйган, қолганини ёшлар давом эттирганлар. Воҳанинг Вахшивор, Бодиҳаво каби қишлоқларида эса уй қурилишига чақирилганларнинг ҳаммаси биринчи кунни ўзлари билан уй деворига биттадан тош келтирганлар. Кейин меҳмон бўлиб тарқалишган. Уй қурилишини эса уй эгаси ўз оила аъзолари билан бошлаган. Уй пойдеворининг биринчи қаторини уй эгасининг ўзи қалаб, қолганига ҳашар уюштирган. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, ота-боболари қадимдан одатда уй қуришда ишни бинонинг “қибла”<sup>13</sup> томонидан бошлашган. Тоғли ҳудудларда уйлар асосан бир томонга, яъни сой томонга қаратиб қурилган. Сойдан тоққа томон баландлик бўлиб бориши уйларнинг бу тартибда қурилишига олиб келган. Уйларнинг олд томони эса шу баландлик ҳисобига қаватма-қават бўлиб тоғ томон ортиб боради. Бу ҳудудда уйларнинг тоққа қаратиб қурилиши яхши натижа бермайди. Чунки тоғдан келадиган қор ва ёмғир сувлари тўппа-тўғри уй ичкарасига кирса, иккинчидан тоғ ён бағрига қурилган уйнинг орқа девори бўлмаганлиги сабабли уйнинг томи баландлик ҳисобига ёпилади. Бу эса уйнинг олд томонини бошқа ёққа ўзгартиришга имкон бермайди. Уйларнинг орқа деворларини тоғ ҳисобига қурилишининг асосий сабаби шундаки, бунда биринчидан, қурилиш ашёлари ва ишчи кучи тежалган бўлса, иккинчидан, юқори қаватда жойлашган тураржойлар олдида кенг ҳовли бунёд этилган. Тоғларда асосан тоғ ён бағирларида бунёд этилган молхона, отхона, омборхона кабиларнинг томи ҳовли тарзда ишлатилган. Чунки, тоғ ён бағрида тиккаликда қурилган уйжойларнинг пастки қисмлари шу хонадоннинг ҳовлиси вазифасини ўтаган. Албатта, уйни ёпишда ёғоч (асосан арча, тол ёки терак) тўсинлар тоқ (3, 5, 7, 9, 11, 13) қўйилган. Масалан, ошхона, даҳлизлар учун уч ёки бешта ёғоч (хори) ишлатилса, меҳмонхона ва бошқалари учун етти, тўққиз, ўн биттагача қолаверса, уйнинг хоналари катталашишига қараб ундан ҳам кўп ишлатилган. Томнинг ёғочи (хори) устидан васса қўйилиб, васса устидан чий, бўйралар ёки қамиш тўшаб сомон лой билан сувалган. Ҳар йили ёмғир ва қор сувлари ўтиб кетмаслиги учун сомон аралаштирилган лой билан суваб турганлар. Қиш фаслида қор ва музларнинг том устида узоқ вақт туриб қолишининг олдини олиш мақсадида том устига вақти-вақти билан туз сепиб турилган<sup>14</sup>.

Воҳада уй қуришда асосан маҳаллий қурилиш ашёларидан фойдаланилган. Тоғли ҳудудларнинг юқори қисмини ўрмонзорлар ташкил этганлиги сабабли бу ҳудудда паҳса девор ўрнига синч девор кенг қўлланилган. Синч девор жуда қулай ва мустаҳкам бўлганлиги билан ажралиб турган. Синч деворда тоқча, таҳмон ўрнатиш қулай бўлган. Тоғли ҳудуд аҳолиси шамол эсадиган ва сел келадиган томонига тош девор ёки қўш синчли девор қуришган. Шунингдек, синч деворли уйларнинг хоналари кенг ва баланд бўлади.

<sup>11</sup> Қаюмов А. Жанубий Ҳисор тоғ меъморчилиги анъаналари // Замонавий бадиий маданиятда фольклор ва халқ ижоди. - Бойсун, 2002. – Б.99-101.

<sup>12</sup> Қаранг: Устаев Ш. Дни недели в поверьях народов Южного Узбекистана / Труды Байсунской научной экспедиции. Вып. 3. –Т; 2007. –С. 179-184.

<sup>13</sup> Қибла – мусулмонларда Каъба жойлашган томонга нисбатан қўлланиладиган атама

<sup>14</sup> Қурбонов А.Э. Шимолий сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми) номзодлик диссертацияси, –Т;2009–Б. 56.

Д.Нозиловнинг таъкидлашича, Ҳисор ва Бойсун тоғ меъморчилигида кўпинча синч девор қўлланилган ва бунинг сабаби, мазкур ҳудудда Нурота тоғ қишлоқларига нисбатан ер қимирлаш балининг юқори эканлиги билан изоҳланади<sup>15</sup>. Бойсун ва Ҳисор тоғларининг устки қисми иморатбоп ёғочларга бой ўрмонзорлардан иборат бўлганлиги учун ҳам синчли уй қуриш анъанаси кенг қўлланилган. Бойсунлик усталар йиғма уйлар (жиргоҳ, ўтов) яшагга ҳам жуда моҳир бўлишган. Улар фақат уй, масжид, меҳмонхона қурибгина қолмасдан, балки, маҳалла ва қишлоқларни туташтирувчи йўл ва кўприк қуришда ҳам фаол қатнашганлар. Масалан, қишлоқлар орасидан тоғ йўли довларида йўл созлаш, дарё, даралардан кўприклар қуриш ва ҳоказо. Шундай иншоотлардан бири “Бибишой кўприги” деб ном олган нарвон кўприкнинг қурилиши воҳа меъморчилигининг ўзига хослигини кўрсатади.<sup>16</sup>

Синч девор, тагсинч, каллак, устун, забаррав, устунгўша, қалама, ховонда, пуштак, бачки каби қисмлардан ташкил топган.

Умуман олганда, Бойсун тоғ этакларида яшаётган аҳолининг меъморчилик анъаналарида, уй-жой қурилишида ҳар хил тарз ва композицияларнинг қўлланилиши, тош қатламларини қурилиш ашёси сифатида ишлатиб, ундан девор қалаш, гидротехник ва муҳандислик иншоатлари тузилишининг ўзига хослиги тоғли ҳудудларда ҳам халқ меъморчилиги ривожланганлигидан далолат беради.

Воҳанинг тоғли ҳудудларида синч девордан ташқари кесак, яъни гувала деворлардан ҳам фойдаланишган. Бу ҳолатни воҳанинг тоғ олди қишлоқларида кузатишимиз мумкин. Сурхон воҳасида дастлаб пахсали уй қурилиши қоратегинлик усталар томонидан бажарилган, кейинчалик эса маҳаллий усталар ҳам бу анъаналарни ўзлаштириб давом эттирганлар<sup>17</sup>. XX асрнинг биринчи чорагида Сурхон воҳасининг Миршоди, Элбаён, Хўжамулки каби қишлоқларида пахсали уйлар қурилган. Пахса уй баландлиги 70-80 см ли устма-уст ётқизилган қатор қатламдан ташкил топиб, бу уйларнинг бўйи беш қадам, эни уч қадам, деворларнинг қалинлиги икки ёки уч қарич бўлиб сирти кесилмаган. Биринчи қаторда фақат эшик ўрни қолдирилган. Иккинчи қаторда дераза, токча, эшик ўрни қолдирилса, учинчи қаторда дераза, дарча, эшик, токчаларнинг усти беркитилгандан сўнг айлантириб чиқилган. Пахсали уйларнинг бурчаклари ярим айлана шаклда бўлиб, тўрт бурчагига девор ёпиштирилган ҳолда тўрт устун ўрнатилган. Том хариси эса шу устунларга қўйилган. Буни айрим тадқиқотчилар қишда бўлиб турадиган бўрон, қор ва ёмғир суви бино бурчакларини ювиб кетмаслигини назарда тутиб қилинган, деб таъкидлайди<sup>18</sup>.

XX асрнинг 40-йилларидан анъанавий шаклда қурилган, лекин тузилишида замонавий кўринишлар бўлган янги уйлар воҳанинг Юрчи ҳамда Денов марказларида барпо этила бошланган.

Сурхон воҳасининг тоғли ва тоғ олди ҳудуд аҳолиси билан чўл ҳудудида яшовчи аҳолининг тураржойлари ички тузилиши, жиҳозланиши айрим этник ва ҳудудий жиҳатлари билан фарқ қилган. Тоғли ҳудуд аҳолисида ўтроқликка хос хусусият уй жиҳозларида ўзига хос ўринга эга. Хусусан, уйлар даҳлизли, дарчали ҳамда ён деворларида токчалар бўлиши билан ажралиб турган. Уйнинг ички томонини безашда аввал ерга чий (бўйра) ёки «бордон»<sup>19</sup> тўшалиб унинг устига кигиз ёки гилам тўшалган. Шунингдек, воҳада XX асрнинг биринчи чорагида айрим ҳовлилар ички ва ташқи ҳовлилардан иборат бўлиб, ички ҳовли аёллар ва оиланинг тан маҳрамлари учун бўлса,

<sup>15</sup> Нозилов Д.А. Тоғ меъморлари. –Т; 1979. – Б.34.

<sup>16</sup> Турсунов Н.Н. Жанубий сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири - XX аср бошлари), номзодлик диссертацияси –Т; 2007. –Б. 83.

<sup>17</sup> Қурбонов А.Э. Шимолий сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми) номзодлик диссертацияси, –Т;2009–Б. 55.

<sup>18</sup> Воронина В.Л. Узбекское народное жилище // СЭ. –М., 1949. –№2. –С. 68.

<sup>19</sup> Бордон – арчилмаган қамишдан бўйра (чий)га ўхшатиб тўқилган тўшама. Яна қаранг: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/bordon-uz/>

ташқи ҳовлида эса асосан бир неча хонали меҳмонхоналар бўлиб, ташриф буюрган меҳмонлар шу ташқи ҳовлида кутиб олиниб, шу ердан кузатилган. Хонадон соҳибалари эса юзлари номаҳрамга тушмасин, деб ташқи ҳовлига ўтмаган<sup>20</sup>.

Айрим тадқиқотчиларнинг қайд этишича, ҳовлиларнинг ички ва ташқи қисмларга бўлиниши қадимги Юнонистон ва Рим каби давлатларда ҳам мавжуд бўлиб, ислом дини ўзидан анча аввал мавжуд бўлган аёлларнинг жамиятда ажралиб яшаш шаклини қонунлаштирган<sup>21</sup>.

Ташқари ҳовлида меҳмонхона, ошхона ва бир неча хонадан иборат турар жойлар бўлиб, унда асосан 8-10 ёшдан ошган ўспиринлар ва ундан катта ёшдаги эркаклар яшашган<sup>22</sup>. Ташриф буюрган меҳмонлар ҳам ана шу ташқи ҳовлида кутиб олиниб, ўша ердан кузатилган. Хонадон соҳибалари эса юзлари номаҳрамга тушмасин учун, ташқари ҳовлига ўтишмаган.

Ҳовлининг ичкарасида эса истиқомат қилиш учун бир неча уй, пешайвон, даҳлиз, ошхона, ўтинхона (тезакхона), яъни туя, эшак, қўй-эчкилар, қорамолларнинг тезак, қий, тапшилари, ўтин сақланадиган жой, дон сақланадиган омборхона, чорва моллари учун сомон ва қуруқ ҳашак сақланадиган сомонхона, қўй-эчкилар учун қўтон, қорамоллар учун молхона, отлар учун сайисхона ("зинхона"), туя, қўй-эчкилар учун янтоқ, ғарамлар ("қўра") сақланадиган қўра, хожатхона ва бошқалар бўлган<sup>23</sup>.

Бу уйларда киш фаслида сандал (танча)лардан фойдаланганлар. Сандал томонлари тенг тўрт оёқли курсидан иборат бўлиб, у асосан хонанинг ўртасига ўрнатилган. Сандал устига қўрпа, чойшаб ёпиб қўйилган. Воҳанинг Киштут, Хўжаасмин каби қишлоқларида эса доимий тураржой уйнинг тепа қисмидан мўри, яъни туйнук қўйилган ҳамда уйнинг ичида чой ва овқат тайёрланган. Туйнукдан тутун чиқиб, ҳаво янгиланиб, алмашиб турган. Шунингдек, ҳовлида узум тоқлари кўтарилиб, «войиш» (ишқом) қилинган ҳамда мевали ва баъзан эса мевасиз дарахтлар экилган. Баъзи ҳовлилар девор билан ўраб олинган. Кўпгина ҳолларда чўл ҳудудларда ярим ўтроқ тарзда яшовчи юз, қўнғирот, дўрмон аҳоли асосан бир хонали уйларда яшаган. Бу уйларни шамоллатиш учун олди ва орқа томонларидан «ярим қулоқ» баландликда деворларини бир ёки икки жойидан тешилиб туйнук ясалган, уйлар дарчасиз ва тоқчасиз бўлган<sup>24</sup>.

XX асрнинг 50-йиллари охирига келиб воҳа аҳолисининг анъанавий уйжойлари ўрнига замонавий қурилиш ашёларидан бунёд этилган янгича типдаги уйлар қурилиши таомилга кира бошлаган.

Анъанага қўра, тоғ меъморчилигида уй-жой ва хўжалик бинолари қуриш, тегирмон, жувоз, кўприк, қудуқ каби маиший хизмат иншоатлари ҳамда суғориш тармоқларининг бунёд этилиши муҳим ўрин тутган. Уй-жойларнинг қурилишида уста-меъморлар тоғнинг табиий-иқлимий хусусиятларини ҳам назарда тутиб иш юритганлар. Жумладан, қишлоқни ёруғликка қаратиш (офтобрўй, соярўй), дарадан ўтадиган совуқ шамол йўлидан сақлаш, ёмғир ва селнинг сойга тез оқиб тушиш чорасини топиш, уйларни сув манбаига ҳамда деҳқончилик қиладиган жойларга яқин жойларга қуриш тадбирларини ҳамда қишлоқни табиий офатлардан сақлаш чораларини кўрганлар.

Қишлоқ уйларининг пешайвони умуман бир томонга, яъни сой томонга қаратилган. Бунинг боиси шундаки, рельеф сойдан чиқиш томонга қараб кўтарила боради. Уйларнинг олд томони эса ана шу рельеф ҳисобига қаватма-қават бўлиб тоғ томон ортиб бораверади.

<sup>20</sup> Қурбонов А.Э. Шимолий сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми) номзодлик диссертацияси, –Т;2009–Б. 56.

<sup>21</sup> Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. –М., 1963. –С. 13.

<sup>22</sup>Турсунов Н.Н. Жанубий сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири - XX аср бошлари), номзодлик диссертацияси –Т; 2007. –Б. 83.

<sup>23</sup> Ўша жойда –Б. 84.

<sup>24</sup> Қурбонов А.Э. Шимолий сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми) номзодлик диссертацияси, –Т;2009–Б. 56.

Масалан, Бойсун шаҳри атрофидаги Авлод, Сариосиё, Пасурхи каби қишлоқлар тоғ ён бағрига 30-35 даража қияликда қурилган ва ўзига хос "кўп қаватли" уйни ташкил этган.

Тоғларда уйлар, аксарият тағхона ва болахоналик қилиб қурилган. Чунки халқ усталари бўлажак бино ўрнини пухта ўрганиб, тез-тез бўлиб турадиган зилзила, жала, бўрон ва қор кўчишларини ҳисобга олган ҳолда жойнинг нотекислигидан фойдаланиб, уйларнинг орқа деворларини тоғ ҳисобига қуришган<sup>25</sup>.

Бу билан, биринчидан, материал ҳамда ишчи кучи тежалган; иккинчидан юқори қаватда жойлашган турар жой хоналари олдиға қулай, кенг ҳовли бунёд қилинган, учинчидан тоғ ён бағридан хўжалик эҳтиёжини қондириш учун кўшимча хоналар (молхона, сайисхона) ҳисобига икки-уч қаватли бино бунёд этилган.

Дашт қишлоқлари кўпроқ чорвачилик учун қулай ҳудудларда жойлашгани учун бир-биридан узоқ бўлиб, уй-жой қурилишлари ва уларнинг жойлашуви асосан чорвачиликка мослашган. Бойсун ва Шеробод бекликларидаги Даштиғоз, Бандихон, Овзикенг, Бешэркак, Мунчок, Узунқудук, Эгарчи, Бешқўтон, Таллашқон қишлоқлари дашт қишлоқларидан ҳисобланган. Шеробод беклигида кўплаб дашт ерларға сув чиқарилиб деҳқончилик, хусусан, пахтачилик кенг ривожлана борғач, дашт қишлоқларининг сони аста-секин қисқариб бораверган.

Уй эгалари истиқомат қиладиган хоналари "уй" ёки "айвонли уй" деб юритилган. Айвон ҳар хил бўлган, баъзи бир ҳовлиларда бир уй ва даҳлиз бўлса, бошқа уйларда икки уй ва даҳлиз бўлган. Аҳолининг турар жойлари хўжалик хоналари ва молхоналардан узоқроқда жойлашган<sup>26</sup>.

Уйларнинг олдида тупроқдан кўтариб супа қилишган, бу илиқ об-ҳаво шароитига жуда мос бўлган, қиш ва кўклам ойлари қор ва ёмғир сувларининг уй олдида тўпланмаслигини таъминлаган. Яшашға мўлжалланган хоналар асосан етти, тўққиз, ўн бир ёғочли (болорли) бўлиб, уй томини ёпишда ишлатиладиган болорлар миқдори доимо тоқ сонни ташкил қилган. Ҳовли деворлари лой сувоқ қилинган бўлиб, ғишт, гувала, пахсадан тикланган. Кўп ҳолларда деворлар пахсадан кўтарилган. Пахса уйларнинг бўйи беш қадам, эни уч қадам, деворларининг қалинлиги икки ёки уч қарич бўлиб, сирти кесилмаган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу даврда бундай ҳовли уйлар бой ва ўзига тўқ хўжаликлардагина мавжуд бўлган. Камбағал оилаларнинг турар жойлари кўп ҳолларда бир уй ва даҳлиздан иборат бўлиб, ҳатто девор билан ҳам ўраб олинмаган.

Дашт қишлоқларида уйлар кўп ҳолларда пахса ва чимдан қурилган, ҳар бир хўжалик бир-биридан узоқроқ яшаган. Уларнинг ҳовлилари обикор қишлоқлардаги ҳовлилар каби бир-бири билан тутшиб кетмаган, балки ҳар бир ҳовли бир-биридан алоҳида-алоҳида жойлашган. Чунки уйларнинг бундай жойлашиши чорва учун қулай бўлган. Уйларининг тузилиши ҳам оддий бўлиб, одатда етти, тўққиз, ўн бир болорли бир том, бир даҳлиз ва кичик ошхонадан иборат бино шаклан хуржунни эслатгани учун ҳам бу уйларни "хуржун уй"лар ҳам дейишган. Уйларнинг орқа томонида ёзнинг илиқ пайтларида хоналарни шамоллатиб туриш учун кичик дарча қўйишган, олд томонида кўпинча битта, баъзи ҳолларда эса иккитадан эшик бўлган.

Дашт қишлоқларида уйларнинг олди очиқ бўлиб, ҳовли билан ўралмаган, уйдан 15-30 метр узоқликда чорва учун қурилган молхоналар, ўтинхона, қўра бўлган. Шунингдек, ҳовлидаги уйлар ёнига тоқ экиб, ишқом кўтариб қўйилган, баъзи оилалар уйининг олдиға мевасиз дарахтларни ҳам экишган. Кўпгина ҳолларда чўл ҳудудларида ярим ўтроқ тарзда яшовчи аҳоли асосан бир хонали уйларда истиқомат қилган. Дарчаларсиз ва тоқчаларсиз қурилган бу уйларда шамоллатиш учун битта-иккитадан туйнук ясалган. Қишда уйлар

<sup>25</sup>Нозилов Д.А. Тоғ меъморлари. –Т; 1979. – Б.38.

<sup>26</sup>Турсунов Н.Н. Жанубий сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири - XX аср бошлари), номзодлик диссертацияси –Т; 2007. –Б.84.

сандалли ўчоқлар билан иситилган, сандалли ўчоқ бутун оиланинг дам оладиган жойи ҳисобланган<sup>27</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Воҳа аҳолисининг турмуш тарзи, моддий-маданияти, урф-одатлари ва халқ оғзаки ижоди анъаналарининг ўзига хослигини, ҳамда бу ҳудудда этнографик манбаларнинг жуда яхши сақланганлигини эътироф этиб, “Сурхондарё - этнографик макон” дея юксак баҳо берган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам Сурхон воҳаси этнографик манбаларга ниҳоятда бой шунингдек учун ҳам воҳа аҳолиси турмуш тарзида, урф-одатларида, анъаналарида ўзига хос хусусиятларни ҳанузгача яққол сақланиб қолган бу эса Сурхондарёнинг этнографик макон эканлигини исботловчи ҳақиқатдир. Сурхон воҳаси анъанавий турар жойлари ва хўжалик бинолари қурилиш техникаси ва унда фойдаланилган хом ашёлар ҳудуд табиий шароитидан келиб чиққан. Воҳа релефи турли кўринишга эга бўлганлиги сабабли айнан бир турли ҳомашёни асосий деб белгилаб бўлмайди. Тоғ ва тоғолди ҳудудларда ёғоч ва тош нисбатан кўплиги деворларнинг синч ва тошлардан қурилган бу ҳол тоғли ҳудудларда тез-тез содир бўладиган сел, кучли ёмғирлар ва бошқа табиий офатдан ҳам сақланишга ёрдам берган. Нисбатан текисликда эса уй деворлари лойдан, пахсадан, хом ғиштдан қурилган. Бунинг ҳам ўзига яраша қулайлиги бўлиб, жазирама ёзда бундай уйлар салқин, қишда эса иссиқ бўлган. Бундан ташқари Сурхон воҳаси хўжалик ҳаётининг ҳам турар жой комплекслари қурилишига таъсири сезиларлидир. Қадимдан хўжаликнинг икки тури, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган воҳа аҳолиси турар жойлари ҳам хўжалик машғулотларига қараб бир биридан фарқ қилган. Деҳқонлар уйлари дарё бўйларида, асосан сув таъминотини бошқариш учун қулоқ бошида бўлган холда, чорвадорлар уйлари тоғ ёнбағрларида бир неча қаватли қилиб, аксарият ҳолларда тоғ қияликларидан табиий девор ўрнида фойдаланганлар.

---

<sup>27</sup> Ўша жойда –Б. 85